

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2026 йил январь-февраль

- I. Саноат ишлаб чиқариши
- II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси
- III. Бажарилган қурилиш ишлари
- IV. Чакана савдо товар айланмаси
- V. Ташқи савдо айланмаси
- VI. Кўрсатилган бозор хизматлари
- VII. Корхона ва ташкилотлар сони



I. Саноат ишлаб чиқариши

2026 йилнинг январь-февраль ойларида республика корхоналари томонидан **175 005,5** млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **107,7 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши **83,8 %**, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати **7,5 %**, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **8,1 %**, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **0,6 %** ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асосий омили бу ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **7,8 %** га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **4,8 %** га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида **9,4 %** га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида физик ҳажм индекси **11,2 %** га ошганлигидир.

Қайта ишлаш саноати ҳажмларининг ўсишига бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши (2025 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан **2,9 б.**), шунингдек, бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналардаги ўсиш (**2,2 б.**) сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кузатилди (2025 йилнинг январь-февраль ойларига нисбатан **88,9 %**), шунингдек, чарм ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ҳам (**81,5 %**) ҳажмларнинг пасайиши кузатилди.



II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси

2026 йил январь-февраль ойларида республика истеъмол секторидаги инфляция даражаси **1,3 %** ни ташкил этди.

2026 йил январь-февраль ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **1,7 %** га қимматлашиб, инфляция даражасига **0,72** фоиз пункт (ф.п.) таъсир қилган бўлса, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ушбу даврда **0,7 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткичга **0,21** ф.п. таъсир қилган, хизматлар эса **1,4 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткични **0,36** ф.п. ошишига таъсир кўрсатган.

2025 йил декабрига келиб ИКИ юқори чегараси **141,2 %** ни (“Суғурта ва молиявий хизматлар”), қуйи чегараси эса **100,2 %** ни (“Таълим соҳасидаги хизматлар”) ташкил этди.

2026 йилнинг январь-февраль ойларида йиғма истеъмол нархлари индексининг ўсишига энг катта ҳиссани “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар” бўлимидаги нарх ўзгаришлари қўшди (умумий таъсирнинг **53,5 %** и). “Суғурта ва молиявий хизматлар” бўлимида нархларнинг ошиши ҳисобига йиғма Истеъмол нархлари индекси яна **0,12** ф.п. га кўтарилди (умумий таъсирнинг **9,3 %** и). “Уй-жой, коммунал хизматлар, сув,

электр энергияси, газ ва бошқа ёқилғи турлари”, “Транспорт” ҳамда “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товар ва хизматлар” бўлимларидаги нарх ўзгаришлари умумий кўрсаткични яна **0,25** ф.п. га оширди. Бошқа бўлимларнинг таъсири сезиларли даражада бўлмади.



III. Бажарилган қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь-февраль ойларида **29 177,1** млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **110,6 %** ни ташкил этди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг **6 371,5** млрд сўми ёки **21,8 %** йирик корхона ва ташкилотлар томонидан, **14 446,9** млрд сўми ёки **49,5 %** кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан, **8 358,7** млрд сўми ёки **28,7 %** норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.



IV. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йилнинг январь-февраль ойларида чакана савдо товар айланмаси **69 879,4** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **17,4 %** га ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2025 йилнинг январь-февраль ойига нисбатан **29,7 %** га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг **18,9 %** улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2025 йилнинг январь-февраль ойига нисбатан **12,6 %** га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши **69,5 %** ни, уюлмаган савдо товар айланмаси **11,6 %** улуш билан **8 138,3** млрд сўми ташкил этди.



V. Ташқи савдо айланмаси

2026 йилнинг январь-февраль ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **11 605,1** млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **767,4** млн АҚШ долларига ёки **7,1 %** га кўпайди. Экспорт ҳажми **3 546,8** млн АҚШ долларига етди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **23,4 %** га тушди. Импорт **8 058,3** млн АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **29,8 %** га ошди.

Экспорт таркибида товарлар улуши **59,1 %** ни ташкил этди, шу жумладан саноат маҳсулотлари – **18,1 %**, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар – **9,9 %**, кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар – **9,6 %** ва ҳар хил тайёр маҳсулотлар – **8,5 %** бўлди.

Импорт таркибида асосий улушни машиналар ва транспорт ускуналари (**36,1 %**), саноат товарлари (**14,3 %**), шунингдек, кимёвий моддалар ва уларга ўхшаш маҳсулотлар (**11,9 %**) ташкил этди.



VI. Кўрсатилган бозор хизматлари

2026 йилнинг январь-февраль ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **168 182,9** млрд сўми ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **15,4 %** га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига молиявий хизматларининг **20,8 %** га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири **3,6** ф.п.), савдо хизматлари **19,8 %** га (ўсишдаги таъсири **3,0** ф.п.), яшаш ва овқатланиш хизматлари **14,9 %** га (ўсишдаги таъсири **2,7** ф.п.), транспорт хизматлари **8,3 %** га (ўсишдаги таъсири **1,7** ф.п.), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **17,7 %** га (ўсишдаги таъсири **1,5** ф.п.), таълим соҳасидаги хизматлар **21,2 %** га (ўсишидаги таъсири

0,8 ф.п) шунингдек, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар **15,5 %** га (ўсишидаги таъсири **0,4** ф.п) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Норасмий ва яширин иқтисодий статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми яшаш ва овқатланиш хизматлари (**31 562,9** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **114,9 %** га етди), транспорт хизматлари (**31 505,5** млрд сўм, **108,3 %**), молиявий хизматлар (**29 825,0** млрд сўм, **120,8 %**) ва савдо хизматлари (**26 348,2** млрд сўм, **119,8 %**)га тўғри келади.



VII. Корхона ва ташкилотлар сони

2026 йил 1 март ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **486,4** мингтани (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар **415,1** мингта. Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони эса Тошкент шаҳри (**111 074** та), Тошкент (**47 685** та), Самарқанд (**42 419** та), Фарғона (**38 535** та), Қашқадарё (**31 073** та), Бухоро (**29 530** та) ва Хоразм (**27 729** та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – **156 796** та, саноат соҳасида – **61 062** та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – **36 728** та, қурилиш соҳасида – **31 372** та ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – **31 350** тани ташкил этди.

2026 йил январь-февраль ойида республикада **14,8** мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан **14,6** мингтаси кичик корхона ва микрофирмалардир.

2026 йил 1 март ҳолатига кўра республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **18 770** тани ташкил этди. Уларнинг **4 365** таси қўшма корхоналар ва **14 405** таси хорижий корхоналардан иборат.

Тайёрлаш учун масъул:
Статистика маълумотларини
мувофиқлаштириш ва тарқатиш
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1045)

